



МАТБУОТ - ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ:

Халқ сўзи Народное слово

газеталари бирлашган тахририяти ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди



Шиддат билан давом этаётган глобаллашув жараёнларида кучли рақобат шароити босма нашрлар олдиға янгидан янги талаблар қўймоқда. Сир эмаски, интернет нашрлари бу борада энг кучли рақобатчиға айланган.



Бирок ҳар қандай замонда газета мазмун-мундарижаси, тарихий аҳамияти, мутолаа завқи билан доимо ўз ўқувчиларига эга бўлган. Хозир ҳам шундай.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бирлашган тахририяти ижодий жамоаси вилоятлар, шаҳар ва туманлар, корхона-ташкilotлар меҳнат жамоаларида газетхонлар билан юзма-юз мулоқотлар уюштирмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири «Farg'onaazot» акциядорлик жамияти «Farg'onaazot» акциядорлик жамияти «O'zbekimposanoat» акциядорлик жамияти таркибидаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Унда 7 мингдан ортиқ ишчи-ходимлар меҳнат қилади. Завод маҳсулотлари нафақат мамлакат қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини қондиради, балки 20 га яқин маҳсулотлар билан йирик экспорт амалиётларини ҳам бажаради.

Самимий учрашув давомида муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари ўрганилиб, газетанинг келгуси фаолияти учун ижодий режалар тузилди. Газета ва газетхон ўртасида самимий муносабат шакллантирилди.

Муваққатлик тенгдоши "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари мамлакат журналистикаси учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби сифатида

этироф этилади, дейди учрашувда сўзга чиққан бош муҳаррир ўринбосари Абдураззоқ Каримов. Айни кунларда ижодий жамоамиз ўз фаолиятини замонавий мезонлар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Боиси бугунги давр шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда кечаётган турфа жараёнлар биз журналистлардан ўта фаол ва сергак бўлишни тақозо этмоқда. Ижодий жамоамиз ҳар бир ўқувчининг шахсий фикри, нуқтаи назарини қадрлайди. Фаолиятимизнинг устувор йўналишларини белгилашда газетхонларимизнинг қизиқиши инobatга олинади, албатта.

Жамият Нурунийлар кенгаши раиси Абдулбоқи Артиқовнинг таъкидлашича, мамлакатдаги энг йирик газета "Халқ сўзи"га ишчи-ходимлар мунтазам ва ихтиёрий равишда обуна бўлишди. Уларнинг ҳар жума ўтказиладиган маънавият соатларида чоп этилган тахлилий ҳамда танқидий руҳдаги мақолалар муҳокама қилиниб, уларга ўзаро муносабат билдирилди. Бу эса ишчи-хизматчиларнинг дунёқараши, ҳаёт тарзига албатта ижобий таъсир кўрсади.

Интернет нашрлари, шов-шувли каналлар ўз йўлига, балки ўтиш даврида бу ҳам керакдир, дейди цех бошлиғи Анвар Набиев. Лекин мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсий ҳаётининг турли мавзулардаги янгиликлар, расмий хабарлар, тўғрилиги

текширилган ва тасдиқланган турли маълумотларни биз фақат газеталардан варақлаймиз. Бунинг устига мутолаа завқини ҳеч қандай электрон нашрлар бера олмайди.

Самимий, дўстона, очик-ошкора сўхбат тарзида ўтказилган учрашувда корхона ишчи-хизматчилари газетани янада ўқимишли ва қизиқарли чиқариш борасида ўз фикрларини билдиришди. Вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни кенг ёритиш баробарида миллий қадрият ва аъёнлар, одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, меҳр-оқибат, тарихий ибратли ҳикоялар мавзуларида ҳам мунтазам равишда мақолалар чоп этиб бориш тавсия этилди. Корхонада олиб борилаётган кенг қўламли янгиликни, модернизация жараёнлари, шу билан бирга, ишчи-хизматчилар манфаатини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий дастурлар, китобхонлик ва газетхонликни юксалтиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар мамнуният билан эътироф этилди.

Юзма-юз мулоқот якунида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қўшаётган юксак ҳиссаси учун «Farg'onaazot» АЖ бошқарув раиси А. Солижоновга тахририятнинг Ташаккурномаси тантанали равишда топширилди.

Элёржон ЭҲСОНОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

Фарғона ҲАҚИҚАТИ Ферганская ПРАВДА

"Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда" газеталари ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди.



Бугунги кучли рақобат шароитида газета ҳам бир маҳсулот бўлиб, унинг ранг-баранг мавзулардан иборат мазмуни, тезкорлиги ва ҳозиржавоблиги, дизайни каби жиҳатлари харидорнинг бўлишини таъминлайди. Газетхон, биринчи навбатда истемолчи. Ўз фаолиятини ташкил этишда ҳар бир ижодий жамоа ана шу муҳим мезонни асло унутмаслиги зарур.



Бугунги кучли рақобат шароитида газета ҳам бир маҳсулот бўлиб, унинг ранг-баранг мавзулардан иборат мазмуни, тезкорлиги ва ҳозиржавоблиги, дизайни каби жиҳатлари харидорнинг бўлишини таъминлайди. Газетхон, биринчи навбатда истемолчи. Ўз фаолиятини ташкил этишда ҳар бир ижодий жамоа ана шу муҳим мезонни асло унутмаслиги зарур.

Шу йилнинг 31 октябрь куни "Farg'onaazot" АЖ маданият саройида тахририят ижодий жамоаси ҳамда корхона ишчи-хизматчилари ўртасида самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Бир асрлик тарихга эга, Фарғона журналистикаси учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби бўлган ижодий жамоамиз ўз фаолиятини замонавий мезонлар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда, дейди учрашувда сўзга чиққан "Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда" газеталари бош муҳаррири Гулбаҳор Саидганиева. Боиси бугунги давр шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда кечаётган турфа жараёнлар биз журналистлардан ўта фаол ва сергак бўлишни тақозо этмоқда. Ижодий жамоамиз ҳар бир ўқувчининг шахсий фикри, нуқтаи назарини қадрлайди. Фаолиятимизнинг устувор йўналишларини белгилашда газетхонларимизнинг қизиқиши инobatга олинади, албатта.

Самимий, дўстона, очик-ошкора сўхбат тарзида ўтказилган учрашувда корхона ишчи-хизматчилари газетани янада ўқимишли ва қизиқарли чиқариш борасида ўз фикрларини билдиришди.

Вилоятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни кенг ёритиш баробарида миллий қадрият ва аъёнлар, одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар, меҳр-оқибат мавзуларида ҳам мунтазам равишда мақолалар чоп этиб бориш тавсия этилди. Корхонада олиб борилаётган кенг қўламли янгиликни, модернизация жараёнлари, шу билан бирга, ишчи-хизматчилар манфаатини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий дастурлар, китобхонлик ва газетхонликни юксалтиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар мамнуният билан эътироф этилди. Ижодий учрашувда тахририят ижодий жамоаси, мумтоз қўшиқлар ижроси Содикжон Сайфутдинов, таниқли шоирлар Баҳодир Исо, Аъзам Исмоил, ёш ижодкорлар иштирок этиб, шеърини мушоира, қадрдон қўшиқлар даврга янада файз бахш этди. Шунингдек, корхона маданият саройи бадийий жамоаси томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ҳам гулдурок қарсақлар билан олқишланди.

Корхонамизда бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш яхши аъёнга айланган, дейди "Farg'onaazot" АЖ хотин-қизлар кўмитаси раиси Умида Ахунжонова ва корхонанинг маънавий-маърифий ишлар бўйича услубчиси Дилором Турдиевалар. Корхонанинг кўп миллатли ахил-иноқ жамоаси ушбу газеталарни севиб мутолаа қилишлари сабабли бугунги тадбирлар ҳам жуда мароқли ўтди. Ишонимизки, бундан буён ҳам икки томонлама дўстона ҳамкорлигимиз изчил давом этади.

Юзма-юз мулоқот якунида маънавий-маърифий ишлар самардорлигини оширишга қўшаётган юксак ҳиссаси учун "Farg'onaazot" АЖ бошқарув раиси А. Солижоновга тахририятнинг Ташаккурномаси тантанали равишда топширилди.

Ботир МАДИЁРОВ. Суратларни Жаҳонгир МИРЗАМАНОВ олган.

Халққа яқин хизматлар

Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси ходимлари "Farg'onaazot" АЖ да ҳуқуқий саводхонлик тадбирини ташкиллади. Унда жамият бошқарув аппарати вакиллари, цех бошлиқлари, ходимлар ҳамда ОАВ журналистлари иштирок этди.



Тадбир аввалида мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Хусусан, шаҳар ва туманларда ташкил этилган Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилнинг бошида жами 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 130 га етгани, 2020 йилга келиб хизматлар сони 160 га етказиш режалаштирилётганлиги қайд этилди.

Айни пайтда 19 та шаҳар ва туман Давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига 130 турга яқин давлат хизматлари кўрсатилмоқда, - дейди ДХА вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Содиржон Ибрагимов.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида марказлар томонидан 1 миллион 79 минг 476 та хизмат кўрсатилган. Эътиборли жиҳати, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойи давомида 322 минг 728 тани ташкил этган. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш кўрсаткичи икки йилда 3,4 баробарга ортган.

Энг кўп мурожаатлар тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш, болаларни мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш бўйича ариза бериш, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича келиб тушган.

Анжуманда амалга оширилаётган самарали ишларга қарамай, давлат органлари ва бошқа ташкilotлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини

кўрсатиш соҳасида баъзи қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланганлиги билдирилди.

Утган давр мобайнида давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида жами 9 070 донна қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган, - дейди бошқарма бўлим бошлиғи Фарход Нугманов. Қонунбузилиш ҳолатларининг 739 таси ҳокимликлар, 1 483 та қурилиш ва архитектура соҳасида, 5 094 та ер ресурслари ва давлат кадастри, 206 таси "Узтрансгаз" тизими корхоналари, 870 таси "Ўзбекэнерго" тизими корхоналари ҳисобига тўғри келади. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли ташкilotларга 45 та тақдимнома ва 78 та оғохнома киритилди. 17 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 141 та ҳолатда тўғридан-тўғри

маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 141 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳуқуқий саводхонлик анжуманида давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар ўз мевасини беришни бошлагани, жорий йилда Жаҳон банкнинг "Doing business" йиллик ҳисоботида Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги масъул бўлган "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлатлари ичида 8-ўринни эгаллагани эътироф этилди.

Бугун давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги босқичга кўтарилди. Халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, қудайлик яратиш ва шаффофликни таъминлашга қаратилган давлат тизимларини кўрсатишнинг янгича хизмати ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Тадбирда иштирок этган жамият ходимлари давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар билан қизиқишди. Анжуман давомида ФХД, мактабгача таълим муассасалари ва ДХМ ҳамкорлиги масалалари, кадастр хужжатларини тайёрлаш, мобил хизматлар, коммунал соҳаларда кенг мунозара ва баҳслар бўлиб ўтди. Иштирокчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

Рустам МАМАЖОНОВ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Маълумки ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, сифатини яхшилашда ҳам корхонамизнинг узлуқсиз ишлаб туриши, маҳсулотнинг керакли ҳажмда тайёрланишида сув, бугун таъминоти ва саноат оқава сувлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, 1958 йилда "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятини қурилиши бошланиши биланоқ сув, бугун таъминоти ва оқава сувлари тармоқлари лойиҳаси ҳам тузилган эди. Ҳозирда мазкур цехда Аввал техник сув олиш ҳавзаси, Бешалиш техник сув олиш ҳавзаси, Фарғона шаҳар техник сув олиш ҳавзаси, ташки сув таъминоти бўлими, бугун таъминоти участкаси, Бешбола хўжалик ичимлик сув олиш ҳавзаси, биринчи майдон саноат оқава сувлари участкаси фаолият кўрсатмоқда.

Айтиш лозимки, сув, бугун таъминоти ва саноат оқава сувлари цехининг асосий вазифаларидан бири корхона ишлаб чиқариш цехлари ва бўлимларини техник сув билан узлуқсиз таъминлаш, корхонани хўжалик ичимлик ва ёнғинни олдини олишга муҳтожлигини қондириш учун хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш, корхонани бугун таъминлаш

ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган оқава сувларини шаҳар биокимёвий тозалаш қурилмасига юборишдан иборатдир. Айни вақтда мазкур цехда 210 нафар ишчи меҳнат қилиб келишмоқда. Маълумот ўрнида қайд этиш керакли ишчиларнинг 23 нафари аёллар, шу жумладан 38 нафар муҳандис ва техник ходимлар фаолият кўрсатиб уларнинг 26 нафари олий маълумотга эгадир. Шу билан бирга ишчиларнинг 69 нафари айни куч-қувват, шижоат, билимга эга бўлган ёшлар ташкил этиши ишлаб чиқариш жараёнини сифатли боришни таъминламоқда. Уларга эса устозлик қилган саккиз нафар нафақадати ишчи-хизматчилар ёшларга ўз тажрибаларига таянган ҳолда билим ва касбий маҳоратларини бериб келмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, заводимизнинг энг муҳим бўлини, ишлаб чиқаришнинг юрагига айланган ушбу цех маҳсулот сифати ва самарадорлигини оширишга муносиб хизмат қилаётгани билан алоҳида ўрин эгаллайди.

Ф.ЎКТАМОВА.



Ишлаб чиқариш жараёни янада фаоллаштириш, махсулот ҳажмини кенгайтириш, соҳада илғор натижалар ва муваффақиятга эришишда алоқа бўлимлари муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан корхонамизни сифатли алоқа билан таъминлаб бераётган Алоқа цехида ҳам ана шундай ғайратли, меҳнатсевар, ўз ишига талабчан ва масъулиятли ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур цехда ҳозирги кунда 56 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритиб келаётган бўлса, улардан 24 нафари аёллар ва 25 нафари ёшларни ташкил этади. Бугунги кунда бу ерда ҳар бир ишчи йўриқномага асосан ўз иши билан машғул, яъни тезкор алоқа, радиоалоқа, телефон алоқаси билан таъминланган.



АЛОҚА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Эътироф этиш лозимки, алоқа цехи бошлиғи Олег Здобников жуда масъулиятли, эътиборли, ҳамда жонқур инсон. У ҳар бир ишчи-ҳодимга алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг ҳар бир масалаларини кўриб чиқиб ёрдам беришга уринади. Ва албатта барча иш шариоитларини яратиб берган. Кейинги вақтларда цехда анча ўзгаришлар рўй берган, улардан, эски шамоллатиш ва иситиш тизимлари демонтаж қилинди, янги иситиш тизими ҳамда кондиционерлар ўрнатилди. Цехда ишчиларга ижтимоий томондан ҳам катта қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилади. 2019 йилда корхонага тегишли тиббий соғломлаштириш диагностика цехида 3 та ишчи-ҳодим даволаниб чиқди. Жамоада аввал ишлаган нафақахўрларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг саломатликларини тиклашлари учун бир қатор ёрдамлар кўрсатилди. Мақсадлар, келгусидаги режалар, лойиҳалар асосида Алоқа цехида 2020 йилда мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилмоқда. Асосийси,

ҳар бир ишчи ўзининг лавозими, ёшидан катъий назар бу ерда хилда ҳурмат ва иззатда фаолият юритмоқда. Инсон қаерда ҳалол меҳнат қилса, қадрли ошади, эъзоз топади. Цехда меҳнат қилаётган ишчилар учун туғилган кунлар, байрамлар кенг миқёсда ўтказиб анъанага айланган. Жамоанинг аҳил-иноқлиги кўнгилларни яшна-тади. Меҳнат жамоасида катта ёшдаги тажрибали ишчилар ёш мутахассисларга ўзларини иш тажриба ва билимларини ўргатиб келмоқдалар. Айниқса, улардан бири электро-монтаж Лира Строева. 42 йилдан бери ишлаб келаётган тажрибали ҳодим ҳар бир ёш мутахассисга ўз билимларини бирма-бир ўргатади. Шу билан бирга, цехда маънавият кечалари, техника хавфсизлиги бўйича йиғилишлар доимий ўтказилиб турилади. Цех инновация бўйича муҳандис, маънавият бўйича маъсул ҳодим Хурсаной Қодирова цехда маънавият кечалари, тадбирларни ўтказиб боради. Масалан, жорий йилнинг 18 июнь куни "Диний экстремизм ва терроризм тараққиёт душмани" ва "Оғоҳлик муқаддас бурч" мавзуси-

да ўтказилган тадбирда корхона жамоат ташкилотларидан "Нуроний" кенгаши раиси А.Артиқов, ёшлар кенгаши раиси Б.Мўминов, маънавият ва маърифат ишлари бўйича услубчи Д.Турдиевалар қатнашдилар. Тадбир жуда қизиқarli ва маълумотларга бой бўлиб ўтди. Цехда ёшларни ўқиб ўрганишлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Улар истаган вақтларида корхонамиз кутубхонасига кириб, технология ёки бадиий адабиётлардан фойдаланиб билимларини оширишлари мумкин. Алоқа цехи ишчиларига янада қўлайлик бу цехнинг олдига қўйилган электрон кутубхонадир. Цех ҳодимлари ҳар бир корхонада ўтказиладиган тадбир ва байрамларга хурсандчилик билан қатнашадилар. Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишланган мақола тадбирида кабелларни бирлаштирувчи Ахлиддин Жалолдинов ҳамда муҳандис Юлиа Расульвалар иштирок этиб қимматбахо совғаларни қўлга киритдилар. "Маънавият тарғиботчиси" кўриктанловида эса инновация бўйича муҳандис, Хурсаной Қодирова диплом ва қимматбахо совғаларига эга бўдилар. Олиб борилаётган бу каби ишлар нафақат Алоқа цехи балки заводимизнинг иқтисодий тараққиётини юксалтиришга, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга, келажақдаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ф.ЎКТАМОВА.

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ёнғин хавфсизлиги: Қоидаларга қатъий амал қилиш зарур

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида, унинг кўп тармоқли халқ хўжалигида улкан янгиликлар содир бўлди. Автомобил-созлик сингари йирик sanoat корхоналари халқ хўжалигининг етакчи кучларидан бирига айланди. Нафақат йирик шахарлар, балки кичик туманларда ҳам улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.



Бу каби кенг қўламдаги ўзгаришлар, янгилинишлар ўз навбатида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятига ҳам бевосита дахлдордир. Ўз-ўзидан равшанки sanoat тармоқлари кириб келган ва янгидан-янги бинолар бунёд этилган ҳудудларни сув билан таъминлаш, ёнғинга қарши сув иншоотларини бунёдга келтириш муҳим масалалардан биридир. Қадимда мавжуд бўлган ва маълум сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган табиий сув ховузлири ёки хавзалари ўрнини ёнғинга қарши ер ости сув иншоотлари эгаллаб келмоқда ва бу иншоотлардан фойдаланишда шубҳасиз, замонавий гидрантларга бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Асосан, булар янги барпо этилаётган қурилиш объектларида яққол кўзга ташланади. Чунки, табиий оқова суви бўлмаган ҳудудларда ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлганда тезкорлик билан уни бартараф этиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам масканларда гидрантларнинг бўлиши шарт эканлиги объектларнинг ажралмас қисмига айланб қолган. Дарҳақиқат, йирик sanoat объектларида, айниқса, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш учун меъёрий шартлар ишлаб чиқилган. Уларда белгиланган талаблар асосида муайян вазифалар амалга оширилмоқда. Ҳар бир

қоида ва талаблар шубҳасиз, шахарлар, sanoat тармоқларининг ўсиши, аҳоли турар жойларининг тобора кенгайиши билан боғлиқдир. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи техник воситалар қатори ёнғинга қарши ер ости сув гидрантларининг кашф этилиши ҳамда корхоналар ва ташкилотлар бино ҳамда иншоотлар ҳудудларга, шунингдек маҳаллаларга ўрнатилиши долзарб масалалардан бири бўлиб қолган. Чунки, ер ости гидрантлари ўрнатилмаган жойларда ёнғинни бартараф этиш катта муаммодир. Узок масофадан сув олиб келгунга қадар ёнғин катта майдонга тарқалиб кетиши мумкин. Ер ости гидрантларининг мавжудлиги бизнинг хизматимизда қўлайлик яратади. Бу борада "Farg'onaazot" АЖ корхонаси масканларида ёнғинга қарши сув таъминотини яхшилаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. "Farg'onaazot" АЖ корхонаси масканларида ёнғинга қарши ер ости гидрантлари жами 219 тани ташкил қилиб, уларнинг барчасини соз ва ишлашга яроқли ҳолатда бўлишини 11-ХЕХҚ ҳамда 12-ХЕХҚ ҳодимлари ва корхона Сув-буғ таъминоти цехининг ишчи-хизматчилари билан ҳамкорликда ёнғин ўчириш гидрантларининг техник ҳолатини текшириш ва сув босими кам бўлган манзилларда

сув таъминотини қайта кўриб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, сувсиз ҳудудларда ёнғин ўчириш гидрантларини ўрнатишни ташкил этиш каби ўз вақтида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб қўйилган. Аждодларимиз ҳаммаша сувни ҳэтиёт қилишган ва эъзозлашган. Хозирги кунда ҳам сўлим қишлоқларимизда ҳамюртларимиз ариқлардаги оқова сувни истеъмол қилишади. Бу гўшаларда гидрантлар мавжуд эмас. Лекин аҳоли турар жойларида сув ховузлири барпо қилинган. Бу ҳам бизга ота-боболаримиздан қолган яхши меросдир. Кимнинг уйида ёнғин содир бўлиб қолса, ёнғин ўчирувчилар ушбу ховузлардан фойдаланишади. Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунда ушбу вазифалар алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, жойларда ёнғинга қарши сув таъминоти манбааларини ишга яроқли ҳолда сақлашни, улардан бошқа мақсадда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ҳақида алоҳида қайд этилган. Гидрантларнинг доимий равишда соз холда бўлиши, йўқ жойларга уларни ўрнатилиши бугунги асосий вазифаларидан биридир.

Улғубек ТўЛАНБОЕВ,
"Farg'onaazot" АЖ ЁХБ инспектори.

Саломатлик

ГРИППдан эҳтиёт бўлинг!



Грипп ўткир ва тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган, хатто фильтрдан ҳам ўтиб кетадиган вируслар келтириб чиқаради. Касаллик келтириб чиқарадиган бу вирусларнинг 3 тури – А, В, С турлари маълум. У мавсумий касаллик бўлиб, ҳаво ҳароратининг пасайиши туфайли асосан куз-қиш (октябрь-март), баҳор ойларида кўпайиши кузатилади.

дори қурийд. Унинг боши, асосан пешонаси ва қош-қовоғининг тепаси қаттиқ оғрийд, беморнинг бели, аъзойи-бадани қақшаб оғрийд. Бир неча соатдан сўнг бемор томоғи оғриб, бурни битиб қолади, йўталади, аксиради, терлайди, юзи ва бўйни қизаради. Тана ҳарорати 38-40 С даражага 4-5 кун мобайнида кўтарилади, кўз соққаси оғрийд, кўздан ёш оқади, тумов аломатлари кузатилади. Халқ орасида: "Гриппнинг ўзи эмас, балки унинг асорати ёмон", деган фикр бежиз айтилмаган. Баъзилар грипп касаллигига эътиборсизлик билан қарайдилар, яъни оёқда юриб ўтказадилар ёки ўзи билганча нотўғри даво муолажаларини қиладилар. Бундай ҳолатларда ўпка тўқималарининг яллиғланиши-зотилжам; бош миянинг яллиғланиши-менингит; қулоқнинг яллиғланиши-отит; бурун бўшлиқларининг яллиғланиши-синусит каби оғир асоратлар кузатилади. Грипп билан оғриган беморлар асосан уй шароитида даволанади. Даво муолажаларини шифокор тавсиясига кўра олиб борилади. Беморга алоҳида хона ажратиш лозим. Беморнинг идиш-товоғи, сочиғи, ўрин-кўрпасини алоҳида қилиб қўйиш талаб этилади. Хонани тез-тез шамоллатиб туриш ва зарарсизлантирувчи воситалар билан артиш зарур. Бемор имкон қадар кам ҳаракат қилиб, кўпроқ тўшақда ётиши лозим. Бемор ётган хона иссиқ бўлиши зарур. Беморга малина, лимон, асал қўшилган иссиқ чой, иссиқ сув бериш фойда-

лидир. Овқат тўйимли, ширин ва осон ҳазм бўладиган бўлиши керак. Тана ҳарорати юқори беморларга иссиқни туширувчи (парацетамол) препаратлар берилди. Бемор кўп миқдорда илқ суюқлик ичиши зарур. Бемор ётган хона тоқчаларига ликобчада пиёз ва саримсоқпиёз тўрғаб қўйиш даркор. Чунки, уларнинг таркибидаги фитонцидлар хона ҳавосини дезинфекция қилишда ёрдам беради. Беморни парвариш қиладиганлар касалликни уй шароитида даволаш йўлларида хабардор бўлишлари керак: бурун ва оғизга дока никоб тутиб олиши, қўлларини тез-тез совунлаб ювиб туриши керак. Бемор йўталганда, аксирганда оғиз-бурнини дастурмоли билан беркитиши, дастурмолини тез-тез янгилashi, ювиб дазмоллатиши керак.

ГРИПП КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҚУЙИДАГИЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК:

1. Тўғри овқатланиш талабларига риоя қилиш. Витаминга бой озиқ-овқат махсулотларини, наъмаат дамламаси, цитрус мевалари, пиёз, саримсоқ пиёз, қизил сабзи, шолғом, қизил лавлаги, қарам каби сабзавот ва меваларни салат ва таом тарзида истеъмол қилиш керак.
2. Гриппга қарши вакцина билан эмланиши керак.
3. Кун тартибига рия қилиш, ҳаракатли машқлар бажариш, кўпроқ очик ҳавода сайр қилиш.

4. Танани совуқ қотишдан сақлаш. Мавсумга мос кийиниш.
 5. Хоналарни доимий равишда вақти-вақти билан шамоллатиб туриш ва нам латта билан тозалаш туриш.
 6. Уйку меъёри қишки мавсумда 7-9 соатдан кам бўлмаслиги лозим. Дам олиш, рухий саломатликни асраш, яхши кайфият инсонга катта куч беради ҳамда иммун тизимини мустаҳкамлайди. Зарарли одатлар иммун тизимни бузади.
 7. Жисмоний фаоллик, спорт умрни узайтиради, саломатликни мустаҳкамлайди.
- Касалликни ёки унинг оғир оқибатларидан профилактика қилишнинг энг самарали йўли вакцинация ҳисобланади. Соғлом қилишга олиб келади. Вакцинация айниқса гриппнинг жиддий асорати ривожланиши юқори тахликада бўлган гуруҳдаги инсонлар ва улар билан бирга яшовчилар ёки уларга қаровчилар учун жуда муҳим ҳисобланади. Гриппга қарши эмлаш – вакцинация асосан октябрь-ноябрь ойларида қилинади. Қундалик турмушда юқорида айтиб ўтилган тавсияларга амал қилинса, ҳар биримиз нафақат ўзимизни, балки барча ҳамюртларимизни грипп ва юқори нафас йўлларидаги ўткир респиратор касалликларидан асраган бўлаемиз

Тайёрлади:
Н.ТИЛЛАБАЕВА,
врач эпидемиолог.

КАСАЛЛИКНИНГ КўПАЙИШИГА:

- Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши;
- Организмда витаминларнинг етишмовчилиги;
- Одамлар зич тўпланган жойлар, ишхона, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, жамоат жойлари мақсад бўлади.

Хасталикнинг асосий манбаи грипп билан оғриган бемор ёки вирус ташувчилар ҳисобланади. Гриппни асосан касалликни оёқда юриб ўтказадиган кишилар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишиларга тарқатади, айниқса касалликнинг 2-3 кунларида атроф-дагилар учун жуда хавфли ҳисобланади. Хасталик ҳаво-томчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога қўллаб грипп вирусларини ажратади. Вируслар ҳавода 3 соат

сақланиб туриши мумкин. Грипп вирусини бор ҳаводан нафас олиши натижасида касаллик соғлом одамга юқади. Грипп контакт йўли билан ҳам, масалан, рўмолча, сочиқ, фойдаланилган буюмлари орқали юқиши ҳам мумкин. Грипп октябрь-март ойларида кўпроқ учрайди. Грипп билан барча ёшдаги кишилар касалланади. Айниқса, заиф, нимжон болалар, кекса ёшдагилар, хомладорлар, сурункали касалликлари бўлган ва тамаки чекувчи кишилардир. Бу касаллик болаларга ва кексаларга кўпроқ юқади ва уларда оғирроқ ўтади. Грипп вирусини оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас йўллари шиллиқ пардасига таъсир қилади ва қон оқимига тушиб, бутун организмни захарлайди. Нафас, асаб, юрак-қон томир тизими ва бошқа аъзоларни зарарлайди. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунга қадар бир неча соатдан 3 кунгача вақт ўтади. Касаллик тез ривожланади. Беморнинг тинка-ма-

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ 12-19 НОЯБРЬ	
СЕШАНБА 12 НОЯБРЬ +15 +1	
ЧОРШАНБА 13 НОЯБРЬ +16 +1	
ПАЙШАНБА 14 НОЯБРЬ +15 +2	
ЖУМА 15 НОЯБРЬ +17 +3	
ШАНБА 16 НОЯБРЬ +17 +3	
ЯКШАНБА 17 НОЯБРЬ +17 +3	
ДУШАНБА 18 НОЯБРЬ +16 +2	
СЕШАНБА 19 НОЯБРЬ +15 +2	

ВАЖНО ЗДОРОВЬЕ И БЕЗОПАСНОСТЬ КАЖДОГО РАБОТНИКА

В целях обеспечения строгого соблюдения правил внутреннего распорядка, должностных инструкций и правил безопасности, отделы охраны окружающей среды, технической, пожарной и промышленной безопасности, чрезвычайных ситуаций, гражданской защиты, технического надзора, а также спасательный отряд, персонал медицинского пункта, общественные организации предприятия проводят в производственных цехах обучающие семинары.

Состоявшиеся недавно в цехах РУК и УА, водо-пароснабжения, ТУ КНС и в хозяйственном цехе семинары были посвящены вопросам повышения ответственности наших работников, обеспечения личной безопасности и содержания территории предприятия в чистоте и защиты окружающей среды от загрязнений.

Семинары провели начальник МЧС Мехрож Усманов, ведущий специалист по промышленной безопасности Фазлиддин Сотволдиев, ведущие инженеры отдела ТБ Дониёр Батыров, Ахлиёр Набиев, Лазизбек Давронов, инженер первой категории отдела ООС Нурмухаммад Абдуллаев, старший инспектор отдела пожарной безопасности Абдухошим Тажидбоев, ведущий инженер СО Бахром Арзамов, ведущий инженер отдела технического надзора Абусаид Мирзалиев, медсестры медпункта Барно Сироджиддинова и Холида Зиябитдинова. В них участвовали также представители общественных организаций – председатели: фонда «Нуроний» Абдуоки Артыков, комитета женщин - Умида Ахунджанова, Союза молодежи - Бобур Мунинов и методист по вопросам духовности и просветительства Дилором Турдиева.

На семинаре, посвященном теме промышленной безопасности, специалисты рассказали о действиях работников предприятия, при возникновении нестандартных ситуаций, а также о правилах, соблюдение которых позволит обеспечить промышленную безопасность производственных объектов. В связи с этим, подчер-

кивалась необходимость проведения в цехах тактических учений, причем на регулярной основе.

